

Ўлмасой Ҳурматова

## ТОНГ ШАББОДАСИ

Шеърлар

«Фаргона» нашриёти  
2008 йил

84(59)6

Ўлмасой Хурматованинг касби доялик. Халқ тили билан айтганда икки йўл ўртасида турган мунис аёлларимиз ташвиш ва қувончларига шерик бўладиган тиббиёт ходими. Унинг катта адабиётга, шоирликка жиддий даъвоси йўқ. Лекин турли йилларда ёзилган машқларини ўқисангиз ҳаёт ҳақида, инсонлар феъл-атвори ҳақида ўз хулосаларига эга бўлган, таассуротларини шеърхон билан ўртоқлашишга интилувчи ижод ҳавасманди кўз олдингизга келади.

Тонг чогида эсган шаббода,  
Юзларимни силаб ўтади,  
Сирдошдайин лабларим ўпиб,  
Сочларимни тараб ўтади.  
Билмам нега тонги шаббода  
Хаёлларим учириб кетди.  
Боларидай сирларим олиб  
Гулдан гулга кўчириб кетди.  
Эй шаббода, тўхтагин бир бор  
Бир бора қалб сирларим эшит,  
Эшитгину ёлғизим эркам  
Юрагингни тўрига беркит.

дея самимий сатрлар битган ҳаваскор синглимизнинг машқлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

HO 34483  
0

Ўлмасой Хурматова  
ТОНГ ШАББОДАСИ  
Шеърлар

2008/45  
A2869

Alisher Navoiy  
nomi  
O'zbekiston

Муҳаррир: Дилором  
Техмуҳаррир: Н.Жабборов  
Мусаҳҳиҳ: М.Эргашева

08. 01. 2008 йилда теришга берилди. 05.03.2008 йилда бошишга рухсат этилди. Бичими 60x84. 1/16 Офсет усулида газета қоғозига босилди. 1,25 босма табоқ. 463-буюртма. Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

## ВАТАН

Нурга чўмилтирди далаларингни,  
Тун пардасин очиб нур сочди қуёш.  
Табиат уйғонди булбул куйидан,  
Гўёки болишдан кўтаргандай бош.

Юртим яйловларинг, боғларинг гўзал,  
Гўзалдир қирқ кокил келинчакларинг,  
Сўриларга ярашиб турар боболар,  
Момолар тебратар беланчакларинг.

Ҳатто жилғаларинг куйлайди қўшиқ,  
Кавсар сувли зилол булоқларинг ҳам.  
Қарсак чалиб гўё азим тераклар,  
Рақсига жўр бўлар чечакларинг ҳам.

Шундай саховатли, буюксан Ватан,  
Бугдойзорлар бағрингда эгади бошоқ,  
Осмондай бепоён далаларингда,  
Пахтага бурканган чаноқлар оппоқ.

Марғилон атласин камалак ранги,  
Қизларинг эгнида ёнади ял-ял,  
Алпомиш келбатли мард йигитларинг,  
Ватаним, бағрингда топади камол.

Бугун кунларингни байрамлар безар,  
Ярашади сенга тўю тантана,  
Тоабад тинч бўлгин Ўзбекистоним,  
Минг аср кўз тегмай яшагин яна!

## ЮРТИМ

Бунда бобом Темур ўтди қилич ўйнатиб,  
Навоийлар ўтди шон-ла қалам тебратиб.  
Юлдузлардан тузиб «Зиччи Кўрагоний»ни  
Улуғбек ҳам ўтди бевақт халқни йиглатиб.

Бобурларинг ўтди дийдоринг кўмсаб  
Бегона элларда шердаин бўзлаб.  
Ҳурлик, муҳаббат-чун дорга осилди,  
Улуғ бир шоиринг девона Машраб.

Баҳодир ўғлонинг Жалолиддиннинг  
Қиличи дамидан титради ганим.

Муқанна ўзини оловга отди,  
Ўйлади табаррук шу халқнинг ғамин.

Қодирий, Файзулло, Усмон Носирлар  
Кетдилар Ватаним, ҳажрингда йиглаб,  
Сал кам бир асрга чўзилди қуллик,  
Унутаёзди-ку тилини миллат.

Ниҳоят балқиди эркнинг қуёши,  
Эй юртим, қаддингни кўтаргин баланд.  
Юртсевар ўғлинг бор, зўр карвонбоши,  
Истиқлол қуёши порлар тоабад!

### ОТАЖОН

#### Қайнотам Орифжон ота хотирасига

Ёмғир ёғдими ё йиғлади осмон,  
Бу дард нечун сизни қўймайди омон.  
Ажал бир томону сиз эса бир ён,  
Нечун ташлаб кетдингиз бизни отажон.

Қўлдан тасбеҳ, дилдан Оллоҳни қўймай,  
Қуръони-каримдан ҳеч кўзин узмай.  
Тандан куч кетгунча намоздан турмай,  
Нечун ташлаб кетдингиз бизни отажон.

Дилда орзу эди ҳаж зиёрати,  
Оллоҳ фарзин адо этиш нияти.  
Ўзингиз эдингиз фарзандлар бахти,  
Нечун ташлаб кетдингиз бизни отажон.

Отам деб ўртанар Хулкаройингиз,  
Кўзга сурсам дейди хоки пойингиз.  
Кимга эркаланар Алишерингиз,  
Нечун ташлаб кетдингиз бизни отажон.

Обиджон акамга тиргак эдингиз,  
Анварим, деб доим сергак эдингиз,  
Юлдуз, Маҳфузага керак эдингиз,  
Нечун ташлаб кетдингиз бизни отажон.

Сизсиз энди боғлар ҳувиллаб қолди,  
Сиз қурган чорбоғлар ҳувиллаб қолди.  
Шодиянгиз сизни кўп излаб толди,  
Нечун ташлаб кетдингиз бизни отажон.

Оллоҳдан барчага сабр тилайман,  
Онамга юз йиллик умр тилайман.  
Сиз учун тобад эҳсон қилай ман,  
Жойингиз жаннатда бўлсин отажон!

### ИЛТИЖО

Тунлар бузиб оромини бешигимни тебратган,  
Титратиб дил осмонини алла айтиб ухлатган.  
Қўшиғидан бутун олам ором олган, тин олган,  
Ёраб, эшит ноламини, йиғлатмагин онамни.

Бир зум паноҳ бер унга жигарпорасин асраб,  
Номин қўшиқда ёд эт мунис жонни авайлаб.  
Юрагидан дардин ол, ғам ғуссасин жиловлаб,  
Тўкиб кўздан жоламини, йиғлатмагин онамни.

Фарзандига жон берган қалб қўрини бағишлаб,  
Сал оғриси у ёнган ҳар дам бошини силаб.  
Тунлари бедор кезган ўзингдан умр тилаб,  
Тебратган шу оламини йиғлатмагин онамни!

Шодлигимдан қувонган дард чексам ўтда ёнган,  
Сочиға қўнса ҳам оқ мен учун ўйга толган.  
Ўзи емай нонини егин дея илинган,  
«Асра» деган боламини, йиғлатмагин онамни!

Бугун сочинг оқарди қаддинг букилди жоним,  
Ўзинг менинг борлигим, ўзинг еру осмоним.  
Сен ҳам бир дам кулиб тур меҳрибон онажоним,  
Дилдан туйғил ноламини, йиғлатмагин онамни!

Майли, жоним ол ўзинг умримни ҳам қўшиб ол,  
Шодликларим берайин бўлгил энг бахтли аёл.  
Унутгил ғам аламини, онажоним топ камол,  
Аллоҳ эшит ноламини йиғлатмагин онамни!

### ИСЛОМЖОНГА

Сен кўксимда талпинган гўдак эдинг Исломжон,  
Ҳали ҳеч ким ўқимаган эртак эдинг Исломжон.  
Ташлаб кетдинг бунча эрта хаёлларга топшириб,  
Ёки бироз оғритдимми мурғак кўнглинг, Исломжон.  
Сени қўлга олганимда бахтимдан хўп маст эдим,  
Икки қизим қаторида ўғлим мани деб эдим.

Кўп қувониб қўйдимми соғайдинг деб ишониб,  
Сен ҳам мени кўп қатори алдаб кетдинг Исломжон.  
Сен кетдингу бошларимга тухмат тошлар отилди,  
Юрагимга қанча-қанча ғурбат тошлар ботилди.  
Бунда ота-онанг сарсон, боши эгик, кўзи нам  
Бунда менинг орзуларим армонларга сотилди.  
Сен жаннатнинг боғларида фариштасан, бир хурсан,  
Чаманида яшнаб турган энг муаттар бир гулсан.  
Оллоҳ ўзи раҳматига олсин жоним, Исломжон,  
Менга эса сабр берсин ўзи қўллаб, Исломжон.

## БАҒИШЛОВ

### Жондан азиз қизларимга

Қандайин бир ношуд онангман, болам,  
Тунлари бошингда айтмасам алла.  
Устингни ёпмасам «совуқ қотма» деб,  
Сенинг атрофингда бўлмай парвона.

Мунчоқ кўзингдаги ёшингни қизим,  
Кел жоним, мен аста артиб қўяйин,  
Юзингни юзимга босиб оппогим,  
Ўксиниб мунғайган юзинг силайин.

Кечир қизим, бевақт ботдинг қайғуга,  
Лабларинг титроғи кетмас кўзимдан.  
Қулоғимда доим ширин овозинг,  
Эвоҳ, бари хато ўтди ўзимдан.

Учиб кимларнингдир ҳийла, макрига,  
Дўстим деб қўйнимда сақлабман илон.  
Оқибат дуч келдим чаён захрига,  
Хатойим қурбони бугун ўз болам.

Ахир адашган ҳам алданган ўзим,  
Қисматнинг битиги қаро бунчалар.  
Сохта дўстлар ғолиб кулар қошимда,  
Соддамидим ёки аҳмоқ шунчалар.

Фақат яхшилиқни илинган эдим,  
Илингандим унга ширин таомим.  
Тузим еб тузлиғим юзимга отди  
Хиёнат қўлида ёнмоқда жоним.

Жон қизим, онангинг жони садақа,  
Сенинг қўнғироқдай кулгуларингга  
Менга бойлик, ҳою ҳавас бир чақа,  
Фақат омон бўлгин менинг бахтимга.

### ЯНА ҚИЗЛАРИМГА

Оллоҳ берган учта қаро кўзларимсиз,  
Овунчоғим, менинг ширин сўзларим.  
Чақнаб турган осмонда юлдузларим,  
Ой қизларим, сиздан бўлак кимим бор.

Алишмайман сизни ўнта ўғилга ҳам,  
На дунёга, на зару на бир гулга ҳам.  
Чекманг қайғу, кўрманг асло дард-алам,  
Ахир менинг сиздан бўлак кимим бор.

Мусибатда суянчиғу тоғларим сиз,  
Яшнаб турган саховатли боғларим сиз,  
Ташвишимни даф қилар яроғларим сиз,  
Ой қизларим, сиздан бўлак кимим бор.

Артиб қўяй ўзим оққан ёшингизни,  
Эгманг асло баланд тутинг бошингизни,  
Бошқаларга берманг ҳалол ошингизни,  
Ой қизларим, сиздан бўлак кимим бор.

### СОХТА ДЎСТЛАРГА

Мен ишонсам ишонмади сўзларимга,  
Ёлғон сўзлар боқиб туриб кўзларимга,  
Доғ туширди ойдаин пок юзларимга,  
Ишонмангиз ўзини дўст тутганларга.

Мен ишониб тушиб қолдим шу ҳолатга,  
Қолиб кетдим дўстлар ичра маломатга.  
Яхши эдим чиқиб қолдим ёмон отга,  
Ишонмангиз ўзини дўст тутганларга.

У кун менга юз букилди ўзин оқлаб,  
У алдамчи сўзларини таҳлаб-таҳлаб.  
Кўз очилди кетганимда лойга ағнаб,  
Ишонмангиз ўзини дўст тутганларга.

Улар бир кун тош отади кўксингизга,  
Душман қилиб кўрсатади дўстингизга.

Маломатлар ёғдиради устингизга,  
Ишонмангиз ўзини дўст тутганларга.

Оллоҳ асра, юраги тош қотганлардан,  
Гоҳ кулдириб, гоҳида йиғлатганлардан.  
Рози бўлсин бу тун йиғлаб ўтганлардан,  
Ишонмангиз ўзини дўст тутганларга.

Чин дўст бўлса борини сизга беради,  
Дўсти учун минг ўлиб минг тирилади.  
Бошга кулфат тушганда дўст билинади,  
Ишонмангиз ўзини дўст тутганларга.

### ШИФОКОРГА

Сиз бир шамсиз, гўё танини,  
Бемор соғлиги-чун оловда ёққан,  
Йўқ, қуёшсиз меҳри нури-ла,  
Бу турфа оламни этолган равшан.  
Доим хизматдасиз келмайди малол,  
Кечами ё кундуз, тўю ҳашамда.  
Беморга қўл чўзиб аҳвол сўрайсиз,  
Сизни тинч кўйишмас ҳатто байрамда.  
Умид-ла боқади қанча-қанча кўз,  
Ҳар хаста кўнгилнинг малҳами сизсиз,  
Яратган мададу шифо берган сиз,  
Бежиз айтилмаган «раҳмат» деган сўз.

### ДЎСТЛАРИМГА

Дунё ўзи бир камдур, ками тўлмас ҳеч қачон,  
Ким яхши ё ким ёмон, билолмай қолдим ҳайрон,  
Бу киприк қоқгулик дунёга барча меҳмон,  
Бахтимга сиз дўстларим доимо бўлинг омон.

### ОСТОНАНГА ҚАЙТДИМ ОНА

*Мажбурлаб узатилган дугонам бир ой  
ўтмай ота уйига қайтди...*

Бойликлари қуриб кетсин онажон,  
Бойлик учун бахтсиз бўлдим онажон,  
Мен ожизанг бойликларин нетаман,  
Муҳаббатим поймол бўлди онажон,  
Дилда севги армон бўлди онажон.



Она меҳри менга фақат шулмиди,  
Тонг деганим зим-зиё шул тунмиди,  
Пешонамга ёзгани шул кунмиди,  
Поёндозинг бойлик бўлди онажон.  
Оқ либосим менга бир кун тор бўлди,  
Чимилдиқ деб осганинг шум дор бўлди,  
Севганим зор, севаганим ёр бўлди,  
Ўшангада оҳлар ютдим онажон,  
Севаганим ёр қўлин тутдим онажон.  
Остонага оқ поёндоз ёзган уй,  
Икки дилни қон қақшатиб бўлган тўй,  
Тушунмайсиз хаёлимда қандай ўй,  
Узукка кўз бўлолмайман онажон,  
Бой куёвинг севомайман онажон.  
Мана қайтдим остонанга хор бўлиб,  
Севолмадим «ўз эримни» ёр билиб,  
Севганимга етолмай дилдор бўлиб,  
Бойликлари қуриб кетсин онажон,  
Сиздайларга инсоф берсин онажон!

### **МЕН СЕНСИЗ ҲАМ ЯШАЙ ОЛАМАН**

Гул узсам қўлимга кирса тиконлар,  
Ортимдан эргашиб юрса армонлар,  
Ошларимга заҳар солса илонлар,  
Мен сенсиз ҳам яшай оламан.

Осмонимдан қормас ёғса ҳам тошлар,  
Кўзларимдан тинмай оқса кўз ёшлар.  
Оғуға айланса дилда бардошлар,  
Ўшанда ҳам сенсиз яшай оламан.

Мўлтираб қараса менга қизларим,  
Гуноҳларга тўлиб гурса изларим,  
Агар тингламаса биров сўзларим  
Мен барибир сенсиз яшай оламан.

Вужудимни ҳижрон қилса ҳам пора,  
Оҳларим Аллоҳга етмай бир бора,  
Аҳволим ўзимга бўлса ошқора,  
Мен барибир сенсиз яшай оламан.

Сўнги умидим ҳам кетса қўлимдан,  
Ниш уриб чаёнлар чиқса йўлимдан,  
Исминг тушмаса ҳам менинг тилимдан,  
Мен барибир сенсиз яшай оламан.

## КЕЛ ХАЁЛИМ, МЕНИ ҚУЧ

Сенинг кўнглинг қародир  
Менинг бағрим яродир.  
(Қўшиқдан)

Мен ўзингни севгандим,  
Кўзинг қаросин эмас.  
Бахтни умид қилгандим,  
Бағрим яросин эмас.

Севгим бир сароб экан,  
Муҳаббатим ширин туш.  
Энди зинҳор севмасман,  
Кел хаёлим, мени қуч.

Мажнунтолдай бош эгиб,  
Қошинга келган ўзим.  
Дардим сенга айтолмай,  
Ортингдан кезган ўзим.

Кўкни бир денгиз билиб,  
Чағалоқдай учган қуш.  
Энди зинҳор севмасман,  
Кел хаёлим мени қуч.

Менга кулиб боққанинг,  
Муҳаббат деб билибман.  
Шу митти юрагингдан  
Севги умид қилибман.

Сенга тушган ўша ишқ,  
Мен суянган буюк қуч.  
Энди зинҳор севмасман,  
Кел хаёлим мени қуч.

Фақат бир ўтинчим бор,  
Юрагимда сақлаган.  
Сен билсанг бас, сени деб,  
Бир инсон ҳам яшаган.

Кўрганлари ўнг эмас,  
Экан билсанг ширин туш.  
Энди зинҳор севмасман,  
Кел хаёлим мени қуч.

## ҚЎШНИЛАР

Уйларимиз тўрига ярашади қўшнилар,  
Гар бирор юмуш қилсам қарашади қўшнилар.  
Тўю маъракада тик туришади қўшнилар,  
Гоҳ дуо, гоҳ ғийбат ҳам қилишади қўшнилар.

Кексалари бобою-момо бўлиб улгурган,  
Ёшлари уй жойим деб доим елиб югурган.  
Ҳалима, Ҳамро отин илмини маҳкам тутган,  
Жойнамозда юртга тинчлик тилашади қўшнилар.

Уйлари кўркам чаман, ишкоми тўла узум,  
Хурмо, олма, анорин есангиз болдан ширин.  
Агар ишонмасангиз бир бор меҳмон бўлиб келинг,  
Ҳар ҳовлида бир жаннат яратади қўшнилар.

Носирхон, Мамадали, Саломатхон кўзидан,  
Чиқмас ёшлар ҳеч қачон улар айтган сўзидан.  
Билганларин ўргатиб хатоларин тузатиб  
Келинларин қиз билиб тергашади қўшнилар.

Қочмайди ҳеч бир юмуш қизларининг қўлидан,  
Йигитлари меҳрибон бол томади тилидан.  
Шунданми файз барака ҳеч кетмайди уйдан,  
Барчани бирдек ҳурмат қилишади қўшнилар.

Илинар иссиқ таом, ёпса иссиқ нонидан,  
Райҳон иси келади ўтиб қолсанг ёнидан.  
Қадрин азиз билади ҳаттоки у жонидан,  
Чанқасанг илиқ чойин узатади қўшнилар.

Яхшимизни ошириб, яшириб ёмонимиз,  
Кўз-кўз қилиб барчага энг яхши томонимиз.  
Сизсиз ўтмас ҳеч қачон энг бахтиёр онимиз,  
Бахтимизга соғ-омон бўлишсин-да қўшнилар.

### ЎЗГАНИНГ ЁРИ

Ўсмаларни қўйманг қаро қошингизга,  
Сурмаларни қалин сурманг кўзингизга.  
Бино қўйманг ортиқ сира ўзингизга,  
Ёр бўлмайди ўзгаларнинг ёри сизга.

Заҳар қилманг пишган ширин ошларини,  
Эгманг сира баланд юрган бошларини.  
Оқизмангиз кўзларидан ёшларини,  
Ёр бўлмайди ўзгаларнинг ёри сизга.

Жону дилдан севсангиз ҳам ёрим демас,  
«Пошшо», «хоним» десангиз ҳам орим демас,  
Болаларин ташлашга виждони қўймас,  
Ёр бўлмайди ўзгаларнинг ёри сизга.

«Қишлоқи» деб ерга урманг аёлини,  
Ўрашни ҳам билмайди деб рўмолини.  
Унутмас кўз очиб кўрган аёлини,  
Ёр бўлмайди ўзгаларнинг ёри сизга.

Маҳаллада ёмон қилар шаънингизни,  
Олмас биров сира сизнинг ёнингизни.  
Қийнамангиз шу ёшгина жонингизни,  
Ёр бўлмайди ўзгаларнинг ёри сизга.

Сира бахтли бўлолмайсиз ҳовлисида,  
Ҳатто яйраб кулолмайсиз ҳовлисида.  
Қоласиз эй, гўдакларнинг қарғишига,  
Ёр бўлмайди ўзгаларнинг ёри сизга.

Томоғидан ўтмас қилган овқатингиз,  
Ортиқ мафтун қилмас қадду қоматингиз.  
Етармикин синглим сабру тоқатингиз,  
Ёр бўлмайди ўзгаларнинг ёри сизга.

Ўкситмангиз ўзгаларнинг болаларин,  
Оқизмангиз кўзларидан жолаларин,  
Оллоҳ бир кун эшитади нолаларин,  
Ёр бўлмайди ўзгаларнинг ёри сизга.

### ЮРАК ЙИГЛАСИН

Сиз йиғламанг ёр, сизни севган юрак йиғласин,  
Аёл қалбин бир эрмак билган юрак йиғласин.  
Кўз ёшлари қалбимни тилган юрак йиғласин,  
Мен йиғламай севилмай, севган юрак йиғласин.

Оппоқ гулга ўровдим дилдаги орзуларни,  
Танрига ўтинувдим пайванд қил деб дилларни.  
Лек сийнамга ботирди аёвсиз тиконларни,  
Мен йиғламай севилмай, севган юрак йиғласин.

Муҳаббатмас қалбимда илдиз отди армонлар,  
Садоқатим ўрнида етилди пушаймонлар.  
Сабр тилаб Аллоҳдан ёрга боқдим ҳайронлар,  
Мен йиғламай севилмай севган юрак йиғласин.

Ох, ичилмай совиди ёрга деб қуйган ошим,  
Довонларга урилиб адо бўлди бардошим.  
Энди сира мадор йўқ йўқламас бир сирдошим,  
Мен йиғламай севилмай, севган юрак йиғласин.

Фақат юрак ҳасрати ёзганларим дostonмас,  
Аллоҳ, бунча хўрлатдинг, аёл хас ё сомонмас.  
Зор қилмагин меҳрга улар мендек ёмонмас,  
Йиғлама синглим, сени хўрлаганлар йиғласин.

Билсанг ўша гўзаллар ошно ҳамёнларига  
Иш қилсалар келмаслар ҳаттоки ёнларига,  
Бир зум ором бермаслар ул хаста жонларига,  
Йиғлама синглим сени хўрлаганлар йиғласин.  
Ўзга ёр хаёли-ла яйраганлар йиғласин.

## КЕЛАРМИКАН

Мен йўлга қарайман интизор бўлиб,  
Орзиқиб кутганим келармикан деб,  
Дод солган бўламан сочларим юлиб,  
Девона этганим келармикан деб.

Ўтиб кунлар, ойлар ҳам фасл алмашиб,  
Юракдаги дардларим дарёдай тошиб,  
Бир кун ҳушим ҳам учар бошимдан ошиб,  
Бол дея қон ютганим келармикан деб.

Мен-ку уни севаман, уни-чи билмам,  
Севиш-севмаслигига мен парво қилмам,  
Бир қиё боқишига қаноат қилмам,  
Қалбга ўт солганим келармикан деб.

Аллоҳ оҳимни етказ ул бағритошга,  
Борлигим ҳам билмаган бир қаламқошга,  
Етарми менинг сабрим яна бардошга,  
Ёр деб бино кўйганим келармикан деб.

Келса, келмаса майли, овоз берса бас,  
Ишқнинг хур осмонида парвоз этса бас,  
Куйлаш учун Ўлмасга бир соз берса бас,  
«Вафодор» деб айтганим келармикан деб.

## ҒАНИМАТ УМР

Ўтиб кетди умр ғанимат,  
Гўё оқар сувдай, дарёдай,  
Қолиб кетди олисда ёшлик,  
Кўрганим туш гўё рўёдай.  
Сен ҳам мендек азиз юртдошим,  
Зое ўтказмагин вақтингни,  
Кўзларингдан оқиб кўз ёшинг,  
Изламагил сувдан бахтингни.  
Бир киприк қоққудек экан бу ҳаёт,  
Ҳеч ҳазон бўлмасин беҳуда умринг,  
Яратган қўлласин ҳар бир инсонни,  
Топталмасин асло аёллик қадринг.

## ҚАЙНОНАМ

Келин эмас қиз қилиб олганлар ўзларига,  
Кўндим баъзан яхшию гоҳ ёмон сўзларига.  
Ўргатдилар рўзгорнинг барча сир-асрорини,  
Шунинг учун айтаман, қайнонам онам менинг.

Эркагина қиз эдим ўргандим барча ишни,  
Қўлларидан олдим мен, қаранг анча юмушни.  
Яхши келин қилдилар мендайин тантиқ қизни  
Қаранг қандай оқила-қайнонам онам менинг.

Яхшимни оширдилар яшириб ёмонимни  
Мақтадилар барчага пиширган таомимни  
Биров тергаса даров оладилар ёнимни  
Шунинг учун айтаман: қайнонам онам менинг.

Қизларимни эркалаб, сочларин ўрадилар,  
Йиғласа бирга йиғлаб, гар кулса куладилар  
Кечалари ёнида айтиб бериб эртақлар  
Бахтимга бўлинг омон-қайнонам онам менинг.

Мен ҳам қанийди сиздек бўла олсам қайнона,  
Келиним атрофимда бўлса сиздек парвона.  
Меҳнатимни қадрлаб доим қилар дуолар,  
Мен баралла айтаман: қайнонам онам менинг!

## ЮРАККИНАМ БОР БЎЛСИН

Икки дилни айириб, айтинг нелар қилдингиз,  
Мисли бутун оламни тенг иккига бўлдингиз.  
Сиз ушатган патирни ўзга йигит кутганди,  
Боши бойланган қизнинг, қўлларидан тутганди.

Оққа ўраб қўйибсиз, «Оқ юзли бўлсин» дея,  
Бағрин бунча тилибсиз, дилбаргина қизни-я.  
Сиз бойлаган чимилдиқ, иплари омонатдир,  
Вафо дея куйлаган, ёр-ёрлар хиёнатдир.

Қаранг, ёши шашқатор - марвариддай терилган,  
Бармоқдаги узуклар, ўзга ёрдан берилган.  
Келин учун мотамдир, сиз куйлаган алёрлар,  
Бунча қалби кенг экан, ибо-ю юзда орлар.

Биламан шу қизгина, Кумушбиби зотидан,  
Айтолмас бир дардини, ўзбек қизи отидан.

Чимилдикда «оҳ» урган, юраккинанг бор бўлсин.  
Қиз қалбин «билмаганлар», сизга Худо «ёр» бўлсин.

### АДАШДИМ

Сизни ўзимга дўсту ошно дея адашдим,  
Сўзингиздан топдим нур, маъно дея адашдим.  
Илиндим ширин сўзу ҳатто еган таомим,  
Унинг суйгани ёлғиз худо дея адашдим.

Шодлигу ғамимни ҳам билгувчи фариштадай,  
Мақтаб барчага сизни Лайло дея адашдим.  
Билмабман менга дўсту ёримга ошиқлигин,  
У фақат илмга кул, шайдо дея адашдим.

Алифдек қоматию унинг шўх кулгулари,  
Яхшиликдан беради садо дея адашдим.  
Ўлмаснинг соддалиги яратганга аёндир  
Кимни ўзимга дўсту ошно дея адашдим.

### ФАҚАТ СЕН...

Сен учун қўлимга олганда қалам,  
Юрагим тўрини қоплайди алам,  
Кўзларимдан оқиб аламли ёшим,  
Бу ёшлар қайтадан тирнайди ярам.  
Сендан-да яшириб кўз-ёшларимни,  
Бу фоний дунёдан бош олиб кетсам,  
Юракда дардларим дарёдай тошиб,  
Ниҳоят вафонинг қадрига етсам.  
Фақат сен...

Фақат сен муҳаббат қадрига етмай,  
Ўзганинг кўксига бош қўйган онинг,  
Вафосиз севгининг қўлидан тутмай,  
Қолганди мажнунтол ёнида ёринг.  
Бугун шеър ёзолмай синди қиламим,  
Юрагим тўрида қолди аламим,  
Ўлмасинг қаршингда айтолмай дардин,  
Нафрат-ла боқади бевафо ганим.

### АРМОНЛАРИМ БЎЛДИЛАР УСТУН

Ой сочин ёзиб ўрган тун,  
Азобланар қалбларим бутун,  
Орзуларим учиб ҳавога,  
Армонларим бўлдилар устун.

Вафоларим кетдилар ёниб,  
Ишқ сувига тўймадим қониб,  
Ўзга билан кетдинг мен қолиб,  
Армонларим бўлдилар устун.  
Ёр, дилимни тушунмадинг сен,  
Садоқатим кўролмадинг тенг,  
Мен ўзимни қўйсам қанча кенг,  
Армонларим бўлдилар устун.  
Йўқ, мен асло кўз ёш қилмайман,  
Ўзгаларнинг бағрин тилмайман,  
Севганинга мен бахт тилайман,  
Хор бўлса ҳам аёллик қадрим.  
У ҳам мендек тирик ўлмасин,  
Ўлмас каби бебахт бўлмасин.  
Ёр юзини босмасин тутун,  
Армонларим бўлса ҳам устун.

### ҚАДРИМ УЧУН

Ҳижрон ўти юрагимни куйдирганда,  
Маломатлар бу дунёдан тўйдирганда,  
Суйган ёрим ўзгаларни суйдирганда,  
Кўз ёш тўкмай қадрим учун йиғладим мен.  
Армонларим осмонларга бўй чўзганда  
Ёстиқдошим ўзга ёрга кўз сузганда  
Фарёдларим сабрим тўғонин бузганда,  
Кўз ёш тўкмай қадрим учун йиғладим мен.  
Қолганимда саргардон ул кўчаларда  
Қасос ўти юрагимни бурдаларди,  
Аёл ўзи қадрсизми шунчалар-а?  
Кўз ёш тўкмай қадрим учун йиғладим мен.  
Хазон бўлди, гулдай сўлди ёшлигим деб,  
Увол бўлди учта қаро қошлигим деб,  
Тушунмади ёлғиз бағри тошлигим деб  
Кўз ёш тўкмай қадрим учун йиғладим мен.  
Сотдиларку мен ишонган сирларимни  
Тигсиз кесиб менинг бурро тилларимни  
Хор қилдилар, икки қилмай бирларимни  
Барисига кўз ёш тўкмай йиғладим мен.  
Болаларим отасини соғинганда  
«Дада» деса кўзларида ёш унганда  
Отасининг йўлларига термулганда,



Кўз ёш тўкмай қадрим учун йиғладим мен.  
Мен йиғладим қизларимнинг бошин силаб,  
Дуо қилдим гўдакларим бахтин сўраб,  
Жойнамозда Яратгандан сабр тилаб,  
Оҳ Худойим, тургин энди мени қўллаб,  
Аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкиб йиғладим мен.

### ЕЛҒИЗЛИК

Мен бир гулман ошиқ булбул йўқ,  
Маликаман ёлғиз бир қул йўқ.  
Чаманзорда танҳоман ўзим,  
Атрофимда ҳатто бир гул йўқ.  
Мен бир чашма, сувга ташнаман,  
Қоронғуда нурга ташнаман.  
Тўлғонади безовта қалбим,  
Бир ҳофизман, куйга ташнаман.  
Сени излаб кўз ёши сел бўлдим,  
Ёвларга мен ожиз шер бўлдим.  
Ўлмас дардин очди қоғозга,  
Мен мухлиси йўқ бир шеър бўлдим.

### УЯТЧАН ГУЛ

Қара, гул уяляпти қўлим тегса, баъзи қизлар кий-  
ган кийими, ўзини тутуши билан уялмайди ҳатто.

Илҳом Жўраев

Уялмасанг мунчалар ҳам уятчан гул,  
Қўлим тегса япроқларинг юмарсан гул.  
Ўзинг гулу танинг асли гулдан нозик,  
Ҳайрон бўлма, сенга қараб уялсам гул.  
Баъзи қизлар уялмайди одамдан ҳам,  
Молу жонин афзал билар ватандан ҳам.  
Бундайларни суймас худо азалдан ҳам,  
Ҳайрон бўлма, сенга қараб уялсам гул.  
Сен-ку асли тувакдаги нозик чечак,  
Арзир гулим сенга қанча ҳавас қилсак.  
Сенинг ёнингда баъзилар тошу кесак,  
Ҳайрон бўлма, сенга қараб уялсам гул.  
Оллоҳга мен қизлар гулдек бўлсин дедим,  
Ибо, нозда Кумушдайин турсин дедим.  
Ўлмасларинг уялмасдан юрсин дедим,  
Ҳайрон бўлма, сенга қараб уялсам гул.

2008

12269

All-uzbekiston  
O'zbekiston

## НАВОИЙГА

Алишер қўлида йиглади қалам,  
Лайлию -- Мажнундан сўйлаб ҳикоя.  
Илоҳий бир ишқдан яралди дoston,  
Шерни ҳам йиғлатди буюк ривоят.  
Еру осмон узра Фарҳод ва Ширин,  
Роз айтди севгию вафони куйлаб.  
Наҳот етмоқ мушкул ёр висолига,  
Ахир ёсумонлар турса пайт пойлаб.  
Вожаб, Алишер - «Занжирбанд шер»  
Туркийда беқиёс дoston яратди.  
Ижод гулшанида ишқни куйласа,  
Йироқларда ҳатто осмон йиғларди.

## УМИДЛАРИМ СЎНМАГАН

Тунларга алмашади ёруғ кундузим,  
Гуноҳларга тўлиб бормоқда изим.  
Бугун биров менинг тингламас сўзим,  
Лекин дилда умидларим сўнмаган.  
Очилмай сўндилар мен эккан гуллар,  
Гулзоримдан учиб кетди булбуллар.  
Ногоҳ қулади-ку таянч устунлар,  
Лекин дилда умидларим сўнмаган.  
Огир ботди дилга дўстлар озори,  
Юрагимда муҳаббатнинг мозори.  
Майли, Аллоҳ бўлсин ёлғизнинг ёри,  
Лекин дилда умидларим сўнмаган.  
Кимлардир қадримни солди бозорга,  
Хиёнатдан юрагим чеқди озорлар,  
Кулфатлар дастидан бўлдим безорлар,  
Лекин дилда умидларим сўнмаган.  
Мендан юз ўгирди ёлғиз тирагим,  
Айтинг энди кимга бордир керагим.  
Армонларга тўлиб кетди юрагим,  
Лекин дилда умидларим сўнмаган.  
Бугун хазонларга тўлибди боғлар,  
Савобларим ювиб кетди гуноҳлар.  
Соқов қилиб тилим чўқиди зоғлар,  
Лекин дилда умидларим сўнмаган.  
Оҳ, кимлар ўчирди ёққан чирогим,  
Кўзларин беркитди тупроқ булогим.  
Етарми менинг ҳам Оллоҳга оҳим,  
Лекин дилда умидларим сўнмаган.

## ХАЁЛЛАРИМ

Тинчлик бермас менга чексиз бу хаёллар,  
Талпинаман унга томон қалбим ёнар,  
Юрагим бўш, хаёлим ҳам паришондир,  
Нега сизни эсладим, эй бахтли онлар.  
Тонгда эсган ул шаббода бошим силаб,  
Беғубор шул оппоқ тонгдан бахтим тилар,  
Изтиробдан азобланар бағри дилим,  
Бу тун маъюс хаёлларим бағрим тилар.  
Эҳ хаёллар, тинч қўйингиз берманг азоб,  
Айтинг недан тақдиримга излай жавоб,  
Пешонамга қора чизиқ тортди тақдир,  
Аллоҳ, энди фақат сендан тилай нажот.

## НИЯТЛАРИНГ ОСМОНЧА ЭДИ

(Раҳматли овсиним Ҳилола хотирасига)

Онажоним сезмасин дардим, билмасинлар қийналганимни,  
Айтманг сира кўтара олмас ҳатто қўлим тирналганини.  
Мунисгинам кўп тортди азоб, акам кетди қаддини букиб,  
Бахтимга соғ бўлсалар онам, ўзим қилай хизматларини.  
Жон оғриғи қолса бир зумга, топилсайди дардимга дармон,  
Болаларим бағримга боссам, бир зумгина чиқмай турса жон.  
Ўз меҳнатим сингган ҳовлида юрсам эди бир бора кезиб,  
Ўзим эккан дарахтларимни есам яна мевасин узиб.  
Тоҳир-Зилол келмайди ўлгим, кўзим қиймас жигарларимдан,  
Отабегим қолмасин ўқсиб, жон Юлдузхон чиқарманг ёддан.  
Ажал тишин қайраб, бошимда кезиб юрар ўлим шарпаси,  
Тўйларингни кўрмадим қизим наҳот армон энди барчаси.  
Кетаяпман узолмай кўнгил ёлғизгина қизалоғимдан,  
Эндигина у дастёр бўлиб юмушларни олганди қўлдан.  
Келганида эшиқдан кириб, босар эдим бағримга тўйиб,  
Қариганда боқар мени Отабек деб бошига қўйиб.  
Қизгинамга сарполар йиғиб совчиларин қилсайдим меҳмон,  
Нозимахон қачон улғайиб келинчақлар бўлади қачон?  
Мен ҳам бир кун қайнона бўлиб ичсам эди келиним чойини,  
Куёв сарпо кийдириб кўрарманми Отабекнинг тўйини.  
Жон Ҳилола орзуинг бисёр ниятларинг осмонча эди,  
Ишонмайман ўлганингга ҳеч, наҳот умринг поёнга етди.  
Ҳайҳот, қаро тупроқ остида бошгинангга кесақдан болиш,  
Тиловатда қабринг устида кўраяпман гўёки бир туш.

## МУНДАРИЖА

Ватан.....	3
Юртим.....	3
Отажон.....	4
Илтижо.....	5
Исломжонга.....	5
Бағишлов.....	6
Яна қизларимга.....	7
Сохта дўстларга.....	7
Шифокорга.....	8
Дўстларимга.....	8
Остонангга қайтдим она.....	8
Мен сенсиз ҳам яшай оламан.....	9
Кел хаёлим, мени қуч.....	10
Қўшнилари.....	10
Ўзганининг ёри.....	11
Юрак йигласин.....	12
Келармикан.....	13
Ғанимат умр.....	13
Қайнонам.....	14
Юраккинам бор бўлсин.....	14
Адашдим.....	15
Фақат сен.....	15
Армонларим бўлдилар устун.....	15
Қадрим учун.....	16
Ёлғизлик.....	17
Уятчан гул.....	17
Навоийга.....	18
Умидларим сўнмаган.....	18
Хаёлларим.....	19
Ниятларинг осмонча эди.....	19

---

*«Фаргона» нашриёти. 712014. Фаргона шаҳри, Соҳибқирон  
Темур кўчаси, 28-уй.*

---

*Ибрат номли босмазона ОАЖ (Намонган шаҳри,  
Навоий кўчаси, 36-уй) да чоп этилди.*